



THE PECULIARITIES OF TEACHING STUDENTS IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS IN THE MOODLE SYSTEM

M.M. Muyassarova¹

Sh.A. Abdurashitova²

Sh.Z. Abdurakhmanov³

D.I. Akhmadaliev⁴

Tashkent Medical Academy

KEYWORDS

Science, education,
information, Moodle,
information

ABSTRACT

The resolution of the president of the Republic of Uzbekistan dated April 7, 2020 No. 4-4666 "on measures to introduce a completely new system of training and continuous professional development of the card in the field of medical sanitation" was adopted. To carry out the work to be done in this year, a state program has been developed, which also provides for the development of new projects on the implementation of the law of the Republic of Uzbekistan on education and science.

2181-2675/© 2022 in XALQARO TADQIQOT LLC.

DOI: 10.5281/zenodo.7120832

This is an open access article under the Attribution 4.0 International(CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

¹ Tashkent Medical Academy, Uzbekistan

² Tashkent Medical Academy, Uzbekistan

³ Tashkent Medical Academy, Uzbekistan

⁴ Tashkent Medical Academy, Uzbekistan

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЛАБАЛАРНИ MOODLE ТИЗИМИДА ЎҚИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ТОМОНЛАРИ

KALIT SO‘ZLAR:

Фан, таълим, ахборот, моодле, ахборот

ANNOTATSIYA

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелдаги «Тиббий санитария соҳасидаги кардларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш тадбирлари тўғрисида» ги М4-4666-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу йилда қилинадиган ишларни амалга ошириш учун Давлат дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унда таълим ва фан тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни янги тахрирлаш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳам кўзда тутилган.

Янги тахрирлаш лойиҳаларида: таълим жараёнини замонавийлаш турини, қўллаб-қувватлаш, илмий ғояларнинг кенгайтириш уларни самарали бошқариш, замонавий талаблар, фан таълим ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш каби масалаларга алоҳида эътибор бериш кераклиги айтиб ўтилган. Шундай қилиб, ОТМ ларда ахборот коммуникация технологияларини масофавий таълимда қўллаш асосан икки хил кўринишда амалга оширилади. Биринчи шarti бу техник жиҳозлар бўлса, иккинчи шarti эса махсус дастурий таъминотлар билан таъминланганлигидир. Техник жиҳозлар билан таъминланганлик: компьютерлар, тармоқ қурилмалари, юқори тезликдаги Интернет тармоқлари, видеоконференция жиҳозлари ва ҳоказо. Дастурий таъминотга: мавжуд қурилмаларни ишлатадиган дастурий таъминотлардан тортиб, шу соҳа учун мўлжалланган дастурлар тўплами киради.

Ўзбекистон Республикасида коронавирус пандемияси кириб келиши муносабати билан, ОТМларда талабаларни онлайн тизимида Moodle платформасида ўқув ишларни давом эттирилди. Moodle – инглизча сўзларнинг аббревиатураси бўлиб Modular Object Oriented Dynamic Learning Environment - Moodle ли объектга йўналтирилган динамик ўқитиш муҳити (МОЙДЎМ). Moodle дастури - бир фан доирасидаги модулли блокларини йиғиндиси бўлиб эришиш лозим бўлган дитактик мақсад, қўлланиладиган усуллар ва воситалар йиғиндиси ҳисобланади.

Moodle технологиялар асосида талабада қуйидаги хусусиятларни шакллантиришга эришиш, ўз соҳаси бўйича зарурий билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиш, соҳага оид билимларнинг доимий равишда мустақил ошириб бориш, соҳага инновациялар киритиш, мустақил изланиш ижод қилиш, ўз вақтини режалаштириш, бошқариш ва ўз фаолиятини ташкил этишдан иборат. Ўқитишда модулли ёндашувнинг долзарблиги талабаларнинг барча фанларни ўзлаштириши учун ўқитишни илғор ва замонавий усулларидадан фойдаланишда янги инновацион педагогик ва ахборот коммуникация технологияларини татбиқ қилишда муҳим аҳамиятга эга. Ўқитиш модулини назарий, амалий, назорат блокларига ажратган жойда ўқув машғулоти ташкил қилинади. «Топшириқ» ўқув элементи ўқитувчиларга коммуникатив вазифаларни қўшиш, талабалар ишини тўплаш, уларни баҳолаш ва тақриз тақдим этиш имконини беради. Топшириқни баҳолашда ўқитувчи шарҳлар кўринишида тақризлар қолдириши, талабанинг тўғриланган жавобини сақлаган файлни ёки аудио тақризни юклаши мумкин. Жавоблар эса, баллар, баҳолаш шкаласи ёки рубрикалар каби «илғор» усуллар билан баҳоланиши мумкин. Талабаларга эса, вазифаларини Word ҳужжатлари, электрон жадваллар, тасвирлар, аудио ёки видео файллар каби ҳар қандай рақамли контент (файллар) шаклида юборишлари мумкин. Ўқув жараёнини Moodle ы тизимида ёндашувининг бир қанча аҳамиятлиги, долзарблиги билан бирга камчиликлари ҳам мавжуд, айниқса тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасалари талабаларининг Moodle тизимида ўқитиш бир қанча камчиликлари мавжуд. Масалан, талабалар назарий билимларини амалиётда қўллаб мустақамлашлари ва паралелл равишда олиб боришлари керак, яъни тиббиёт йўналишида таҳсил оладиган талабаларимиз амалиётда беморлар билан ишлаш, сўраб-суриштириш, курация қилиш, ташҳис қўйишни ўрганишлари лозим. Ундан ташқари, талабалар ўртасида сўраб - суриштириш ишлари олиб борилганда улар Moodle тизимида ўз ишларини, ўз вақтида жойлаштира олмаётганликлари, назарий амалий ва интерактив блокларда

орқада қолиб кетиш кузатилмоқда. Ўрганиб чиқилганда вилоятларда ёки энг четки туманларда интернет тармоғини яхши жорий этилмаганлиги, интернет тезлигининг пастлиги талабаларнинг ўзлаштиришида қийинчиликларга олиб келмоқда. Ўқув жараёнини самарали олиб борилишига эришиш мақсадида юқорида камчиликлар ва муаммоларга ечим топиш лозим.

Адабиётлар:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 5 iyundagi PD-3775-sonli “Oliy ta’lim muassasalarida ta’lim sifatini oshirish va ularning mamlakatda amalga oshirilayotgan keng ko‘lamli islohotlarda faol ishtirokini ta’minlash bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Farmoni.

2. N.Duseinov, B.Ahmedov, “Masofaviy ta’lim tizimi” ilmiy maqola, researchgate.net, 2021.

3. S.Qo‘chqorova, A.Norbekov “Masofaviy ta’lim texnologiyasi”, ma’ruza matni, Navoiy, 2020.

4. Z.F.Sharopova “Ta’lim texnologiyalari”, “Navro‘z”, Toshkent, 2019.

5. М.Ефимовна, В.Сысоева “Методика дистанционного обучения.” Учебное пособие для вузов. 2017.

6. Distance Education for Teacher Training: Modes, Models, and Methods Mary Burns Education Development Center, Inc. Washington, DC 2011.